O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 7 август, шанба • №64 (11.659) • Эркин нархда сотилади

• *Вилоят ҳокимлигида*

## Ҳудудий комиссия йиғилиши

**Шу йил 6 август куни вилоят ҳокимлигида Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда ҳудудий комиссия аъзолари, вилоятдаги назорат идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туман комиссиялари раислари, Пскент тумани бўйича назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий ишчи комиссияси аъзолари иштирок этдилар.

Йиғилишни Тошкент вилояти ҳокими, ҳудудий комиссия раиси Козим Тўлаганов бошқарди.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Кенгашининг 2004 йил 31 июлдаги йиғилиши қарори юзасидан вилоят комиссияси томонидан олиб борилаётган ишлар ҳамда вилоят назорат органларининг 2004 йилнинг 1-ярим йиллигида ўтказилган текширишларнинг мувофиқлаштирилиши якунлари тўғрисидаги ахборотлар тингланди ва кенг муҳокама этилди. Таъкидланганидек, жорий йилнинг ўтган январь-июнь ойлари давомида текширишларни тартибга солишга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилиши давом эттирилди. Шу билан бирга айрим назорат органлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан режада мўлжалланган текширишларнинг ижроси таъминланмаганлиги, айрим идоралар томонидан эса ҳамон режадан ташқари текширишларга йўл қўйилаётганлиги айтилди. Хусусан, «Саноатконтехназорат» агентлиги томонидан 124 маротаба, тижорат банкларининг жойлардаги бўлинмалари томонидан 55, Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан 29, Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси томонидан 96, санитария-эпидемиология станцияси назорати томонидан 24, Нефтгазинспекцияси томонидан 15 ҳамда ветеринария бошқармаси айби билан 7 маротаба режали текширишлар белгиланган муддатларда таъминланмаганлиги каби ҳолатларга йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Комиссия йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

## 2004 йил 28-29 август шанба ва якшанба дам олиш кунларини 2004 йил 30-31 август душанба ва сешанбага кўчириш тўғрисида

Мустақиллик байрами муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

2004 йил 28-29 август шанба ва якшанба дам олиш кунлари 2004 йил 30-31 август душанба ва сешанбага кўчирилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 3 август.

## Мажлис бўлиб ўтди

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, комиссия раиси А.Орипов бошқарди.**

Мажлисда радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасидаги масъул органлар ахбороти тингланди, миллий радиочастота ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб кириш, ўрнатиш ва фойдаланиш устидан назорат ишларини амалга оширувчи органлар ўртасида тезкор ахборот алмашув ташкил этилгани комиссия томонидан қайд этилди. 2004 йил биринчи ярим йиллигида 908 та радиоэлектрон воситадан ноқонуний фойдаланишнинг олди олинди.

Комиссия аъзолари теледастурларни кабель тармоқлари орқали тарқатишни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатни муҳокама этди.

Мажлисда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**ЎзА.**



Тошкент тумани «Матлубот-савдо» масъулияти чекланган жамияти бу йилги «Мактаб бозори» савдосини ота-оналар учун ҳар томонлама қулай тарзда ташкил этишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, Келес шаҳарчаси, Кўктерак маркази ҳамда аҳоли зич яшайдиган олтита йирик маҳалла гузарида савдо хизмати кўрсатилаётгани аҳоли учун вақтни тежаш имконини бермоқда. Айниқса, ўқув қуроллари ва мактаб либослари 20 фоиз арзонлаштирилиб сотилаётганидан ота-оналар мамнун бўлмоқдалар.

***Суратда:** мактаб бозоридан лавҳа.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## «Ўзбек аёли ҳеч кимдан кам эмас...»

**Жамиятнинг беистисно, барча соҳалари ривожида аёлларнинг етакчи ўрни бор. Шу боис ҳам хотин-қизлар фаолиятига эркинлик ва зарур шарт-шароитлар яратиш, шу билан бирга уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.**

Айниқса, юртимиз иқтисодий салоҳиятини ўзининг тадбиркорлиги ва ишбилармонлиги билан юксалтираётган хотин-қизларимизнинг тобора кўпаяётгани тахсинга лойиқ. Аммо, бу ишларни ташкил этиш ва жадаллаштириш осон эмас. Бунинг учун аёллар махсус билим, кўникма ва тажрибага эга бўлмоғи зарур. Ана шу маънода республика «Тадбиркор аёл» уюшмаси ва унинг жойлардаги бўлимлари олиб бораётган ишлар алоҳида диққатга сазовор.

Мухбиримиз суҳбатни вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмаси раҳбари Гулнора Маҳмудова билан уюштирганқ ва мавзуни ўзбек тадбиркор аёлларининг бугунги фаолиятидан белгилагани бежиз эмас.

(Давоми 3-бетда).

Мустақиллик 13 йил

## «Моҳир қўллар» беллашуви

**Юқоричирчиқ туманида халқ таълими бўлими ташаббуси билан мактабгача тарбия муассасалари кичкинтойлари ўртасида «Моҳир қўллар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

Унда жажжигина ўғил-қизлар ўз қўллари билан тайёрлаган турли ўйинчоқ ва буюмларни ҳайъат аъзолари ҳамда йиғилганлар эътиборига ҳавола этишди. Танлов натижаларига кўра, ғолиблик 6-боғча кичкинтойларига насиб этди. Иккинчи ўринга 10-боғча ва учинчи ўринга тумандаги 9-ҳамда 2-боғча ўғил-қизлари сазовор бўлишди.

**Муҳаммад СУННАТОВ.**

## Шу азиз Ватан барчамизники

**Янгийўл туманидаги Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежида ташкил этилган учрашув шундай номланди.**

Туман «Маънавият ва маърифат» маркази, Либерал-демократик партиясининг «Ёшлар қаноти» гуруҳи ҳамда мезбон коллеж ташаббуси билан ўтган ушбу тадбирда Гулбаҳор қўрғони, «Ниёзбош», «Қовунчи» ширкат хўжаликлари истиқомат қилувчилар иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоблар олишди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

• *Бугуннинг гапи*

## Августнинг масъулияти катта

**Бу йилги шароитда ғўза парвариши агротехникасини экиннинг ҳолати ва талабига қараб сифатли олиб бориш, давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси тайёрлаш шартнома режаларини қоплайдиган даражада ҳосил тўплаш ва уни сақлаб қолишга эришиш мақсадида вилоятда зарбдор қирқ кунлик эълон қилинган эди. Ана шу муддатнинг асосий қисми август ойига тўғри келади. Бу бежиз эмас. Зеро август ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой ҳисобланади.**

Жойларда зарбдор қирқ кунлик юзасидан белгиланган қўшимча чора-тадбирлар қандай бажарилаётгани, яъни ғўза парвариши агротехникаси қоидаларига қай даражада амал қилинаётгани, айниқса, суғориш, культивация, ғўза ва унинг ён шохлари

(Давоми 2-бетда).



● 8 август – Қурувчилар куни



# Эъзоздаги усталар

**Айни кунларда Чинознинг барча ҳудудларида кенг миқёсда қурилиш ва таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Марказий шифохона қошидаги тез ёрдам бўлими биносининг қурилиши, 13-, 26-болалар боғчалари, 2-, 14-умумтаълим мактаблари ҳамда турар-жой биноларининг таъмирланиши шулар жумласидандир. Уларни 33-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна қурувчилари ҳамда фирма ва кичик корхоналар жамоалари амалга оширмоқда.**

– Туманимизда қурилиш-таъмирлаш, бир сўз билан ифодаланганда бунёдкорлик ишлари йил бўйи мунтазам давом этади, – дейди туман бош меъмори Умрзоқ Болтаев. – Лекин ёз ойларида қурувчи усталаримизнинг қўллари-қўлларига тегмайди. Қурувчи жамоалар асосий ишларини истиқлолнинг 13 йиллиги байрами арафасида якунлаб, тўёна сифатида топшириш ниятидалар.

Жорий йилда аҳоли турар-жой биноларини таъмирлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Буюртмачи – якка тартибдаги уй-жой қурилиш бўлимидир. Шу кунларда Чиноз шаҳрининг 1-кичик туманидаги 7, 10, 14-уйлар тўлиқ таъмирланмоқда. 33-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна нафақат туманда, балки вилоят, қолаверса республикамизда ҳам кўзга кўринган қурилиш ташкилотларидан ҳисобланади. Кўчма колонна усталари пойтахтимиздаги муҳим қурилишларда доимо фаол иштирок этадилар. Кўп бора ўтказиладиган тендерларда ғолиб бўлишларида иш сифати, тезкорлик, маблағни ўз ўрнида сарфлаш яқиндан ёрдам берган.

– Усталаримиз меҳнати енгил эмас. Масалан, ушбу бинога 40 мингта ғишт қўйилади, том ёпилади. Ундан кейин пардозловчиларга топширилади. Лекин қурувчи усталаримиз ўз касбларини севадилар, бунёдкорлик меҳнатларидан фахрланадилар, – деди ифтихор билан Тоҳир Омонқулов.

Ҳа, қурувчилик энг кўҳна касблардан ҳисобланади. Бу касб соҳибларини халқимиз «уста» деб эъзозлаши ҳам бежиз эмас. Уларнинг бу эъзозга ҳамиша муносиб бўлишларига тилакдошмиз.

**Орзиқул МАЪМУРОВ,
Абдужалол РАҲИМОВ.**

*Суратда: 33-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна пайвандчиси Умрзоқ Жумартов.*

**Пўлат РАҲИМОВ - фотолавҳаси.**

## Мурувват куни

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қибрай, Тошкент туманлари кенгашлари, Қизил ярим ой жамияти ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент тумани бўлимлари ҳамкорликда хайрли ишга қўл уришди.**

Улар Қибрай туманида жойлашган вилоят руҳий аномал болалар уйида «Мурувват куни» тадбири ўтказишди.

Шу куни мезбон муассаса тарбияланувчиларига бош-оёқ қишки кийимлар, спорт жиҳозлари топширилди. Шунингдек, ўз иш фаолиятида ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган қатор тарбияланувчилар тақдирланишди.

**Хуршида МЎМИНОВА.**

## «Harvest Korea» ҳомийлигида

**Чирчиқ саноат касб-ҳунар коллежида Жанубий Кореядан ташриф буюрган 26 нафар ёшлар билан шаҳардаги 14-меҳрибонлик уйининг тарбияланувчилари иштирокида учрашув бўлиб ўтди.**

Ушбу учрашув ҳамда Чорвоқ ва Чимён ҳудудидаги хушманзара масканлар, Чирчиқ, Тошкент шаҳарларига уюштирилган саёҳатлар Жанубий Кореянинг «Harvest Korea» хайрия ташкилоти ҳомийлигида ўтказилди. Ушбу дийдорлашиш жараёнида чирчиқлик болалар Шарқ яккакураши сирларидан ҳам воқиф бўлишди. Барча қардош ўғил-қизларга олам-олам қувонч ва завқ бағишлаган учрашув ниҳоясида ташкилот раҳбари Ким Тэ Бон бир синф учун мўлжалланган стол-стул ва компьютер жиҳозларини коллеж талабаларига совға қилди.

**Воҳид БОЙМУРОДОВ.**

# Августнинг масъулияти катта

учини чилпиш, тўпланаётган ҳосилни зараркунандалардан ҳимоя қилиш тадбирларини белгиланган муддатларда сифатли ўтказишни кузатиб бориш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида вилоят бўйича ва пахтакор туманларда тузилган ишчи гуруҳлар изчил фаолият кўрсатмоқда.

Зарбдор қирқ кунлик муддатнинг деярли ярми ўтди. Ана шу даврда амалга оширилган ишлар ўз самарасини берияпти. Кузатувчиларнинг маълумотларига қараганда, ҳозир қарийб 30 фоиз майдонда ҳар туп ғўзада 7-8, 55 фоиздан зиёд майдонда 5-6, тахминан 13 фоиз майдонда 3-4 тадан тўлиқ шаклланган кўсак бор. Бу вилоят пахта далаларида давлат эҳтиёжлари учун белгиланган шартнома мажбуриятларини қоплайдиган даражада ҳосил тўпланмоқда, дейиш учун асос бўла олади.

Бироқ, шуни унутмаслик керакки, ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой бўлган августнинг учдан икки қисми ҳали олдинда. Бундан буёнги ҳар бир агротехник тадбир айни вақтида ва маромида амалга оширилмас экан, нафақат ҳосилга ҳосил қўшиш, балки борини ҳам бой бериб қўйиш ҳеч гап эмас. Қолаверса, жойлардаги ишчи гуруҳларининг маълумотлари ана шундай хавотирга асос борлигини кўрсатмоқда.

Далилларга мурожаат қилайлик. Ғўзанинг ўсиб ривожланиши, бегона ўтларнинг йўқотилиши ва ҳосил тўпланишини тезлаштириш учун за-рур шарт-шароит яратиб берадиган культивацияни вақтида ва сифатли ўтказмаслик, экинни чанқатиб қўйиш ва аксинча, ортиқча захлатиб, ҳатто, кўллатиб юбориб, сувни исроф қилиш, зараркунанда ҳашаротлар пайдо бўлиш эҳтимоли бор майдонлар вақтида кузатилмай, айниқса, кўсак қурти ва ўргимчакканa тарқалишига йўл қўйиш ҳоллари учрамоқда.

Кўриниб турибдики, жойларда ғўза парваришида сусткашликка йўл қўйилиши пировард натижада вилоятни ҳам орқага тортиши мумкин. Бунга эса, йўл қўйиб бўлмайди. Яқинда бўлиб ўтган вилоят фаоллари йиғилишида ғўзанинг бугунги ҳолати, ҳосил тўпланиши жараёни атрофлича ва чуқур таҳлил этилиб, жойларда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Юқорида таъкидланганидек, август ойи давомида ғўза парваришини қизғин давом эттириб, ҳосилга ҳосил қўшиш ва уни тўла асраб қолишнинг учта муҳим омили бор. Биринчидан, бу йилги об-ҳаво шароити нафақат экинлар ривожи, балки, зараркунанда ҳашаротларнинг кўпайиши ва кенг тарқалиши учун ҳам қулай келди. Шу сабабли ғўза майдонларини кузатиш ва ҳосил кушандаларига қарши курашни август ойининг охиригача изчил давом эттириш зарур. Аввало, биологик усулдан имкони борича тўлиқ ва самарали фойдаланиш лозим.

Иккинчи омил культивацияни вақтида ва сифатли ўтказишдир. Биринчи галда культиваторларнинг қаттиқ қисмлари ғўзани, унинг ён шохлари ва, айниқса, кўсакларни шикастламаслиги, заха қилмаслиги учун юмшоқ воситалар билан ўраб қўйилиши лозим. Ғўзаларнинг ҳозирги ривожи культиваторларнинг ишчи органларини ҳам оқилона жойлаштиришни талаб этади. Эндиликда чуқур ва кенг культивацияга ҳожат йўқ. Чунки, ишчи органлари ғўза илдиз қисмига зарар етказади.

Энг муҳим учинчи омил ғўзани вақтида суғоришдир. Бугунги вазиятдан келиб чиқиб, ғўзани кўпроқ тунда суғориш чораларини кўриш зарур. Шу мақсадда сувчиларни икки баравар кўпайтириш талаб этилади. Айниқса, суғориш олдидан ерости сувларининг чуқур ёки юза жойлашганига эътибор бериш муҳимдир.

Синоптиклар бераётган маълумотларга қараганда, август ойининг ўрталарига бориб ҳаво ҳарорати янада кўтарилиши мумкин. Демак, барча ғўза майдонларида етарли намликни сақлаб туришга эришиш муҳим вазифадир. Бу ғўзадаги ҳосил элементлари тўкилишининг олдини олиш имконини беради.

Ғўза ривождан қолган, мўлжалдаги ҳосил тўпланмаслиги мумкин бўлган майдонлар учун қўшимча агротехник тадбирлар белгилаш ва жадал амалга ошириш лозим. Хусусан, бундай майдонларга имкони борича кўпроқ маҳаллий ўғит чиқариб, шарбат оқизиш талаб этилади.

Зарбдор қирқ кунлик давомида ғўза парваришини қизғин давом эттириш билан бир вақтда йиғим-терим мавсумига ҳам ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш ҳам муҳим вазифалардан биридир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

● Истеъмолчи

# Ҳуқуқларини ўрганмоқдалар

**Мамлакатимизда товар ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Аммо, шунга қарамай жойларда махсус меъёрий қоидаларга хилоф иш тутиш ҳоллари кўплаб учрамоқда. Бунга эса кўп жиҳатдан томонларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини яхши билмаслиги сабаб бўлмоқда.**

Тошкент вилояти ҳокимлигида вилоятдаги товар ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бирлашмалари ходимлари иштирокида ўтказилган семинар-йиғилишда тегишли қонун ва қарорларнинг бугунги кундаги ижроси юзасидан қилинаётган ишлар муҳокама қилинди.

— Семинарни ташкил этишдан кўзланган мақсад, — дейди Тошкент вилояти Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш худудий бошқармаси бошлиғи Хайрулла Йўлдошев, — аввало, истеъмолчи ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашга кенг жамоатчиликни жалб этиш, ички бозорда сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик, аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишга қаратилган ишларни фаоллаштиришдир.

Вилоятдаги қатор тегишли идора, корхона ва ташкилот ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган семинарда сўзга чиққан республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи Даврон Миртожиев, қўмита бош тафтишчиси Жаҳонгир Мамажонов, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят худудий бирлашмаси раиси Комилжон Шодиметовлар кун тартибидаги масалаларнинг ечимида кенг жамоатчилик фаоллигининг оширилиши ўта муҳим эканлигини таъкидладилар ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар томонидан берилган саволларга жавоб қайтардилар.

**Ўз мухбиримиз.**

# Ҳашар тараддуди

**Истиқлол айёмини вилоятда кенг нишонлаш, тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича вилоятда жорий йилнинг август ойи «Ободонлаштириш ва тозалик ойи» деб эълон қилинган.**

Шунга мувофиқ 14 август куни вилоятдаги шаҳар ва туманларда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектларда умумхалқ ҳашари ўтказилади. Ушбу умумхалқ ҳашаридан тушадиган маблағлар «Маҳалла» жамғармаси шаҳар ва туман бўлимлари ҳисоб рақамларига ўтказилиши ҳамда бу пуллар жойларда маҳалла қўмиталари фаолиятини такомиллаштириш учун сарф этилиши кўзда тутилган.

Шу муносабат билан умумхалқ ҳашари тўғрисидаги батафсил маълумотларни олиш учун «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг манзили ҳамда ҳисоб рақамини эълон қилмоқдамиз.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси
Тошкент вилоят бўлими.
Хоразм кўчаси 51-уй. Телефон: 133-61-75.
Ҳисоб рақами
20212000500132942001
МФО 00987. «Ғаллабанк»
Тошкент вилояти
минтақавий бўлими.
СТИР 200548395.

# Доимий ҳимояда

**Республика таълим марказида Вазирлар Маҳкамаси шу йил 15 июлда қабул қилган «Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Барча таълим муассасалари раҳбарлари, бухгалтерлари иштирок этган тадбирда ҳукумат қарори асосида ишлаб чиқилган «Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига ва методик кабинетлар методистларига устамалар белгилаш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом» ҳақида батафсил маълумот берилди.

**ЎзА.**

# Суғурта ташкилотлари рэнкинги

**«Ахбор-рейтинг» банклараро рейтинг компанияси Ўзбекистон суғурта компанияларининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги молиявий фаолияти якунлари бўйича рэнкингини тақдим этди.**

Унда республикамиздаги умумий суғуртага ихтисослашган 19 та суғурта ташкилотидан саккизтаси иштирок этди.

Рэнкинг – бир неча ташкилотларни айрим молиявий кўрсаткичларнинг жисмоний ҳажми бўйича таққослаш. Бу борада ташкилот эгаллаган ўрин эмас, балки унинг рэнкингдаги иштироки муҳимдир. Мазкур ташкилот мустақил рейтинг компаниясига ахборот тақдим этиб ўз молиявий фаолияти ошкоралигини таъминлаш, мижозлар ишончини қозонишга интилиши ва очиқ рақобатдан қўрқмаслигини кўрсатади.

Умумий хулоса шуни кўрсатадики, маҳаллий суғурта компаниялари олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажармоқда.

**ЎзА.**

# Бизнесни ривожлантириш йўлида

**Оҳангаронда экинзорларни суғориш анча мураккаблашиб қолган. Дренаж тармоқларининг кўпчилиги таъмирталаб. «Ўздавсувлойиҳа» мутахассислари тумандаги хўжаликлараро йигирмата каналнинг техник ҳолатини текшириб чиқиб, ўн тўрттасини тиклаш бўйича лойиҳа-смета тайёрлади.**

– Бу қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш доирасидаги тадбирларнинг бир қисми, – дейди Қишлоқ хўжалик корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлигининг Оҳангарон филиали раҳбари Абдулла Боймуҳаммедов. – Мамлакатимизнинг беш туманида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Улардан бири – Оҳангарон. Мазкур лойиҳа мутахассислари тегишли ҳудудларда ирригация-дренаж тармоқларини тиклашдан ташқари муқобил МТПлар ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш ва уларга консалтинг хизмати кўрсатиш билан шуғулланмоқда.

**ЎзА.**

● *Замондошларимиз*



*__Суҳбатдош ҳақида:__ Гулнора Маҳмудова 1964 йилда туғилган. Тошкент Давлат халқ хўжалиги институтини (ҳозирги Тошкент Давлат иқтисодиёт университети) тамомлаган. Тошкент вилояти «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси, шу билан бирга республика «Тадбиркор аёл» уюшмаси раҳбари ўринбосари ҳамдир. «ХХ аср аёли» республика кўрик-танлови ғолибаси.*
*Оилали, уч нафар фарзанди бор.*

# «Ўзбек аёли ҳеч кимдан кам эмас...»

**– Гулнора Ғуломназировна, суҳбатимиз аввалида, уюшманинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида гапириб берсангиз.**

– Бизнинг «Тадбиркор аёл» уюшмамиз 1997 йил апрель ойида фаолият бошлаган. Ўз номидан ҳам билиниб турибди, уюшмамиз вилоятдаги тадбиркор ва ишбилармон аёлларни ўзида бирлаштирувчи нодавлат, нотижорат ташкилот ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида тадбиркор аёлларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг бизнес ҳамда тижорий ғояларини амалга оширишлари учун зарурий маслаҳат ва кўрсатмалар бериш, ўз навбатида, уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш уюшмамизнинг энг асосий мақсад – вазифасидир.

**– Фикрингиздан англашиладики, уюшмага аъзо бўлган тадбиркор аёллар ўз фаолиятларини жадаллаштиришлари, кенгайтиришлари, борингки, уюшма томонидан бирор кўмак олишлари учун имкониятлар етарли, шундайми?**

– Уюшмамиз бугун 660 нафар аёлни ўзида бирлаштирган. Бу ҳаммаси эмас. 3011 нафар аёл бевосита уюшма томонидан кичик ва ўрта бизнес асослари, маркетинг, бошқарув ва ҳуқуқ таълими йўналишлари бўйича махсус курсларда ўқитилди, 785 хотин-қизларимиз ўзлари учун керакли бўлган касб-ҳунарларга эга бўлишди. Бугунгача 26 нафар аёл Миср, Туркия, Исроил, Қирғизистон, Қозоғистон ҳамда Америка Қўшма Штатларида бўлиб қайтди. Яна 200 дан ортиқ тадбиркор аёллар турли даражадаги халқаро анжуманларда, 3258 нафари эса солиқ идоралари, тижорат банклари, нодавлат ташкилотлар вакиллари билан мулоқот, бизнес-клубларда иштирок этдилар. 4 йирик ҳунармандларимизнинг кўргазмалари ташкил этилди. Шу кунга қадар тадбиркорлик фаолиятини бошлаш бўйича 2870 дан зиёд аёлларга фойдали маслаҳатлар берилди. Бевосита уюшма ёрдамида 321 нафар тадбиркор хотин-қизларимиз имтиёзли банк кредитлари олишга муваффақ бўлдилар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**– Бугунги кунда чекка қишлоқлардаги хотин-қизлар ўртасида уюшма фаолиятини тарғиб этиш, қишлоқ аёлларининг қайси соҳада бўлишидан қатъи назар жамиятдаги фаоллигини ошириш энг долзарб вазифалардан бири, бу ҳақдаги фикрларингиз...**

– Хабарингиз бор, яқиндагина вилоят хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда кўтарилган масалалар ўз долзарблиги билан барчамизни янада фаолроқ ишлашга ундайди. Жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари шу вақтгача олиб бораётган фаолиятларидаги ютуқлар билан бирга қатор нуқсонлар ҳақида ортиқча тўхталиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Муҳими, конференциядан барча мутасаддилар тегишли хулоса чиқариб, хотин-қизлар турмушининг янги сифат босқичига кўтариш йўлида хизмат қилмоғимиз керак.

Конференцияда кўрилган жуда кўп масалаларни бевосита уюшмамиз фаолиятига дахлдор деб биламан. Аслида бу борада илк қадамларни қўйганмиз. Бугун уюшма билан чекка қишлоқлардаги аёлларни боғлаш, яқинлаштириш мақсадида туманларда махсус вакилларимиз иш олиб боришмоқда. Бундан ташқари, Бекобод, Янгийўл шаҳарлари ва Қуйичирчиқ туманида замонавий аёллар ва ёшлар ўқув марказлари самарали фаолият бошлаган.

Япониянинг ЖАЙКА ташкилоти билан ҳамкорликдаги лойиҳага асосан вилоятнинг 12 шаҳар ва туманларида 24 нафар маҳаллий мураббийлар махсус тайёрланди ва улар ўқув марказларида сабоқ беришга жалб этилдилар.

**— Юқорида тадбиркорлик ташаббуси билан чиқаётган, лекин масаланинг моддий томонини ҳал этолмаётган фуқаролар уюшмадан амалий кўмаклар олишлари мумкинлигига ишора қилдингиз. Бу маблағларни ташкил этувчи асослар ва унинг берилиш тартибларини ойдинлаштириб ўтсангиз.**

— Гап шундаки, уюшмамиз қошида «Барака» кредит уюшмаси ташкил этилган. Шу вақтгача тадбиркорларга ҳаммаси бўлиб 86 миллион сўмдан ортиқ кредит берилди. Шу тариқа 140 нафарга яқин уюшма аъзоларининг кредитга бўлган эҳтиёжи қондирилди. Уюшмага минимал 20 минг сўм пай бадали тўлаган ҳар бир юридик ёки жисмоний шахс қабул қилиниши мумкин. Ҳозирги кунда кредит уюшмасининг 270 кишидан зиёд аъзоси бор.

**— Гулнора Ғуломназировна, сиз уюшмага раҳбарлик қилиш билан бирга Ўзбекистондаги фаол жамоатчи, замонавий тадбиркор аёл сифатида жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида хизмат сафарида бўлиб, халқаро анжуманларда иштирок этгансиз. Ўзбек аёли учун халқаро учрашувларда қатнашиш, яна чет тилида мукаммал маъруза қилиш жуда ҳаяжонли ва масъулиятли бўлса керак?**

— Мен ўзбек аёлини ҳеч кимдан кам деб ҳисобламайман. Айниқса, улуғ аждодлар давомчиси эканлигимиз, буюк ва бой тарихимиз, маданиятимиз борлиги менга куч ва имкон беради. Қолаверса, мустақил давлат сифатида юртимиз тенглар ичра тенг эканлигини ҳис этиб туришнинг ўзи катта бахт ва улкан суянчиқдир.

Яқинда Бангкокда Осиё ва Тинч океани ҳудудининг 126 та мамлакатидан келган 700 та вакиллар иштирокида ўтган муҳим форумда «Ўзбекистонда ратификация қилинган халқаро декларацияларнинг ижросида аёлларнинг ўрни» мавзусида маъруза қилдим. Маърузам қизғин мунозараларга сабаб бўлди. Айниқса, форум ишида ўзбек тадбиркор аёлларининг миллий маҳсулотларидан ташкил топган кўргазмани намойиш қилганимиз барчани ҳайратга солди.

**— Суҳбатимиз сўнггида олдингизда турган навбатдаги вазифалар ва ўйлаган режаларингиз ҳақида гапирсангиз.**

— Уюшмамиз мақсадларини амалга ошириш йўлида кенг кўламли ишлар бошлаганмиз. Ўзбек аёлининг нималарга қодир эканлигини жаҳон афкор оммасига муносиб тарзда кўрсатиш доимий мақсадимиздир.

Шу билан бирга «Кичик ва ўрта бизнесни демократик институтлар томонидан ривожлантирилиши» мавзуида номзодлик диссертациясини тугатиш арафасидаман. Иқтисодий фаолиятимни илмий йўналишда ҳам олиб бормоқчиман. Хуллас, вазифаларимиз бисёр. Улкан ва хайрли мақсадни кўзлаб ишлашнинг ўзи бахт. Буюклар айтганидек, «Гап ғалабада эмас, ғалабагача бўлган йўлда...».

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири**
**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**
**суҳбатлашди.**

# «Камолот» ташаббуси билан

**Асранган киши турли кўнгилсизликлардан узоқ бўлади, дейишади. Шу маънода яқинда юз берган навбатдаги террорчилик хуружлари ҳар биримиз ўз кундалик фаолиятимизда сергак бўлиб яшашимиз нечоғли муҳим аҳамият касб этишини яна бир бор эслатди, десак асло хато бўлмайди.**

Қора ният илдизларини буткул йўқотишда эса жамиятимизда кенг кўламда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари катта самара беришини давримизнинг ўзи яна бир бор исботлади. Ана шундай кенг қамровли тадбирлардан бири яқинда Ангрен шаҳрида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан ҳамда «Маҳалла» жамғармаси, ички ишлар бошқармасининг вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ўтказилди. «Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш» деб номланган семинар-тренингда шаҳардаги 51 та маҳалланинг оқсоқоллари, шаҳар ИИБ, ХТБ, прокуратура вакиллари, ота-оналар, ўқувчилар ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимларининг барча раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг бўлим мудири Тўхтасин Арслонов, ҳаракатнинг вилоят кенгаши раиси Диёр Алимов қатнашди.

Бу каби семинар-тренинглар вилоятимизнинг Оҳангарон ва Чирчиқ шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

**Воҳид БОЙМУРОДОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# Компаниялар бирлашмоқда

**«Ўздунробита» хорижий корхонаси ўз акцияларининг 74 фоизини Россиянинг «Мобилные ТелеСистемы» (МТС) уяли алоқа компаниясига сотди.**

«Ўздунробита»дан хабар беришларича, уч йил ичида МТС томонидан бу операторнинг қолган 26 фоиз акцияларини ҳам сотиб олиши тўғрисида шартнома имзоланди.

Бу воқеа республика телекоммуникация бозори учун жуда муҳимдир. Ўзбекистонда уяли алоқанинг етакчи корхонаси йирик халқаро оператор – МТС компаниясига қўшилади.

**ЎзА.**

# Бизники, шу элнинг топган -тутгани



## БИЗНИКИ

*Бизники, шу элнинг топган-тутгани*
*Қўли очиқлиги, саховати ҳам.*
*Бизники, кўксига қўйилган қўли,*
*Меҳри-муруввати, муҳаббати ҳам.*

*Бизники, ўчоқда ўчмаган чўғи*
*Ва кўкка ўрлаган тутунигача.*
*Бизники, осмонга елкасин тутиб*
*Гуллаб бораётган устунигача.*

*Бизники, борида юртни алқаган,*
*Йўғида сабрини тишлаб турганлар.*
*Бизники, шу кунни барида англаб,*
*Бирида англамай яшаб юрганлар.*

*Бизники, болалар кўзида ёниб,*
*Гулларга айланган орзу-тилаклар.*
*Бизники, қуёшни кўксига босиб*
*Кенгликка интилган асл юраклар.*

*Бу баланд тоғлари, чаман боғлари,*
*Ватан деб янграган садо бизники.*
*Элимнинг дилида бўй чўзган ният*
*Ва унга жарангдор наво бизники.*

* * *

*Ҳар кунинг –*
*Синовдан қолган фойдадир,*
*Тўхтама,*
*Иқболинг бўлур зиёда.*
*Боқ, яёв кетмоқда*
*отдан тушганлар*
*Отга миниб олган*
*қанча пиёда.*
*Чархпалак дунёмас,*
*чархпалак феълмиз,*
*Шу айтар гапимни яхшиликка йўй.*
*Отга минганларга*
*қўлингни берсанг,*
*Отдан тушганларга*
*елкангни тутиб қўй.*

## АРМОН ҚИЛСИНЛАР

*Хосият опага*

*Соғинчга ўхшайди умрнинг бари,*
*Армонсиз одамни кўрмадим ҳали.*
*Мен бошқа армонни қўя турайин,*
*Дилимнинг изҳорин айтган маҳали.*

*Қай куни бир сингил армон қилибди,*
*Оғам йўқ, суянай десам тоғларга.*
*Ўғилли уйларда армон яшармиш,*
*Бир сингил керак деб, бизнинг боғларга.*

*Ўғли бор қизга зор, қизли ўғилга,*
*Ака гоҳ укага, сингил опага.*
*Ҳар ким ўз йўғини армон қилса ҳам*
*Борига шукрона айтган топади.*

*Яхшига бир армон кўнглимизда бор,*
*Меҳримиз зиёддир шуни билсинлар.*
*Ўғилни бағрига босган оталар*
*Сиздай қизим йўқ, деб армон қилсинлар.*

## УЙҒОНГАН БОЛАЛАР

*Болалар ҳар куни байрам қилишар,*
*Қишлоқнинг чангиган кўчаларида.*
*Қуёшни чилдирма қилмоқчи бўлар,*
*Осмонни ўйнатиб қўлчаларида.*

*Болалик ортидан қуваверишар*
*Яна ҳам кенгайиб кетади Ватан.*
*Шу улуғ заминда ўсиб улғайиб,*
*Йигитдай бўй тортиб қолади бирдан.*

*Тонгни уйғотади ҳар кун шовқинлар,*
*Яланғоч таналарга нурдан ёқача.*
*Қуёшни байроқдек кўтариб олган,*
*Уйғонган болалар энди бошқача...*

## ЧИРОЙЛИСИЗ

*Бизда чирой бир чимдим деб*
*Қош чимирманг, сиз ойлисиз.*
*Кимга қандай баҳо бизда...*
*Сиз ҳаммадан чиройлисиз.*

*Кўзларингиз «қаҳ-қаҳ» кулар,*
*Минг қўйлига бир бойлисиз.*
*Қўл узатдик, бошқагамас...*
*Сиз ҳаммадан чиройлисиз.*

*Қирғоқларга бошин урган*
*Дарёлар кўп, жим сойлисиз.*
*Бир пиёла сув узатинг...*
*Сиз ҳаммадан чиройлисиз.*

*Қизларнингку хунуги йўқ,*
*Райҳон ўсган хуш жойлисиз.*
*Ҳидлагани келган эдик...*
*Сиз ҳаммадан чиройлисиз.*

## МАЙСАЖОНИМ

*Қадам боссам қанотларинг қайрилади,*
*Майсажоним, ёнбошлайин ёнгинангга.*
*Дардларимни сенга тўкиб солмоқчиман,*
*Айтаберсам тегмайманми жонгинангга.*

*Дарахтларга айтолмайман сирларимни,*
*Еллар қолиб, осмонга ҳам ошкор қилди.*
*Гуллар эса шабнамларнинг дил изҳорин,*
*Қуёшига айтиб ҳар кун инкор қилди.*

*Бир етаклаб келмоқчийдим, ҳузурингга*
*Қоши қора, киприклари узун қизни.*
*Қулоғига бир шивирлаб қўйсаларинг*
*Икки йўлда сарсон қилиб қўймас бизни...*

*Сенга кўкрак босиб ётдим. Изтиробим*
*Борадиган йўлларимга сўқмоқ бўлди.*
*Майсажоним, нима қилай бировларга*
*Ишонган бу жоним чаққан чақмоқ бўлди.*

*Сарғаймай тур... эшитсанг-чи*
*дардларимни*
*Сен ҳам энди эшитмаган куйга солмай.*
*Кўрдингми ёр, тўзим берсин, майсалар ҳам*
*Сарғаяди ҳасратимга чидай олмай...*

Ҳамид НОРҚУЛ.


## «Respublika ko`chmas mulk birjasi Toshkent viloyati bo`limi» MCHJ

**2004 йил 27 июль** куни ўтказилган аукцион савдосида Зангиота тумани ҳудудида аҳолига уй-жой қуриш учун сатҳи 0,06 гектардан бўлган 13 та ва сатҳи 0,04 гектардан бўлган 2 та ер майдони жами **12.585.000 сўмга**, Ангрен шаҳар ҳудудида аҳолига уй-жой қуриш учун сатҳи 0,06 гектардан бўлган 2 та ер майдони **365.000 сўмга**, Қибрай тумани ҳудудида аҳолига уй-жой қуриш учун сатҳи 0,04 гектардан бўлган 4 та ер майдони жами **2.580.000 сўмга** сотилди. Шунингдек, Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига қарашли **«ИЖ-21251»** русумли давлат автотранспорти **420.000 сўмга** сотилди.

**2004 йил 26, 28, 30 июль** кунлари ўтказилган биржа савдосида Қибрай ва Юқоричирчиқ туманлари ҳудудида жойлашган 11 та нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой бинолари жами **3.449.000 сўмга** сотилди. Тошкент, Чирчиқ шаҳри ва Қибрай, Юқоричирчиқ, Бекобод, Бўка, Пскент туманлари ва Сирдарё вилояти ҳудудида жойлашган 15 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами **66.289.000 сўмга** сотилди.

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Сизларни 2004 йил 7, 14, 21, 28 сентябрь соат 12.00 да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

**1.** Иқтисодиёт Вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига қарашли «ГАЗ-31029» русумли, давлат рақами 10 АР 236, 1995 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси – 1 330 300 сўм.**

Ушбу автотранспорт воситаси савдосида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун 10 фоизлик закалат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Бундан ташқари, олдинги аукцион савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари, автотранспорт воситалари ва ер майдонлари ҳам ушбу савдоларга қўйилади.

**Эслатма:** сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ Давлат ордерини олиш учун давлат божи ва баҳолаш хизмат ҳақи алоҳида баҳоловчи ташкилотнинг ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

**Бизнинг манзил:** Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

**Мурожаат учун телефонлар:**
133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.




ГРУЗИЯ:

## УЧ-ТЎРТ ЙИЛДАН СЎНГ

Грузия президенти Михаил Саакашвили пайшанба куни эътироф этишича, уч-тўрт йилдан сўнг мамлакат иқтисодиёти тикланиб, Абхазия ва Жанубий Асетия муаммолари енгил ҳал этила бошлангач, у ерда бирорта россиялик солдат қолмайди. У шунингдек, россияликларнинг Абхазияга сафарлардан тийилиб туришларини маслаҳат берди. Унинг сўзларига қараганда, бу заминга отланаётган сайёҳлар дам олиш жойига эмас, уруш давом этаётган ҳудудга бораётганларини унутмасликлари керак.

АҚШ:

## ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИ КЕНГ

АҚШ президенти Жорж Буш мамлакатдаги Солиқ бошқармасини тарқатиб юбориш ниятида. Манбалар бераётган маълумотларга кўра, Буш иккинчи муддатга президент этиб сайланса, Солиқ бошқармаси ҳақидаги масалани ўз ҳаракатлари дастурига киритади. Маълумки, АҚШ Конгресси палатаси спикери Деннис Хастерт бундай ислоҳотни анчадан бери фаол тарғиб этиб келмоқда.

ИРОҚ:

## НАВБАТДАГИ ҚУРБОН

Ироқ шимолида, Туркия сарҳадларидан 70 километр берида юк машинаси ҳайдовчиси бўлмиш турк фуқароси отиб ўлдирилди. Қуролланган шахслар гуруҳи АҚШ ҳарбийлари учун Туркиядан Ироққа ёнилғи олиб келиб, ўз юртига қайтаётган юк ташувчи машиналар колоннасини тўхтатишди. Олис масофаларга қатнайдиган ҳайдовчи Усмон Алисан ана шу лаҳзада қатл этилди.

ИСРОИЛ:

## САЙЁҲЛАРГА ЭСЛАТМА

Исроилнинг сайёҳлик бўйича вазири Гедион Эзра хорижга саёҳат қилишга отланган мамлакат фуқароларини одобга риоя қилишга чақирди. Сайёҳлик агентликлари орқали тарқатилган мактубда вазир шахсан исроиллик сайёҳларни ўзларини дипломатлардек тутишга ҳамда чет элликларда яхши таассурот қолдиришга даъват этди. Вазирнинг ушбу хати Кипрнинг Айя Напа курортида июль ойининг ниҳоясида юз берган исроиллик ёшлар билан боғлиқ жанжал оқибатида пайдо бўлди.

Чеченистон:

## ЯНА БИР ПОРТЛАШ

Пайшанба куни Моздокдаги автобус бекатларидан биридаги портлаш натижасида уч киши жароҳатланди. Мутахассислар ҳозирча қайси турга мансублигини аниқлашга улгурмаган портлатиш қурилмаси кўчалар кесишмасидаги бекатда соат 17.30 да ҳаракатга келтирилди. Портлашнинг асосий сабаби террорчилар хуружи деб кўрсатилмоқда. Аммо федерал хавфсизлик хизмати ходимлари аниқ шахслар номини айтаётгани йўқ.

*• Шарҳловчи минбари*

# Бармоқ изи ёки кўз тасвири керак

### АҚШга кириш ва чиқишнинг янги қоидалари жорий этилаяпти

Мамлакатда иммиграция тартиби кучайтирилмоқда. Ҳукумат мамлакат ҳудудига кириб келаётган хориж фуқароларига жиддий эътибор қаратаётир. Виза беришда ҳам янги қоидалар жорий этилди.

Конгресс қабул қилган янги қонунга мувофиқ, 2004 йилнинг 26 октябридан сўнг берилган визаларда камида битта биометрик кўрсаткич – бармоқ изи ёки кўз тасвири бўлиши керак. Шунингдек, жорий йилнинг 5 январидан «US visit» дастури доирасида аэропорт ва бандаргоҳларда АҚШ ҳудудига кирувчиларнинг бармоқ излари ва фотосуратлари олиниб, террорчиликда гумон қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар билан солиштирилмоқда.

АҚШ давлат департаменти бошқа мамлакатларга тегишли ҳаво ва сув транспортларининг экипаж аъзоларига коллектив виза беришни тўхтатди. Энди АҚШга кириш ҳуқуқига эга бўлиш учун ҳар бир учувчи ва денгизчи алоҳида суҳбатдан ўтади. Давлат департаменти вакилларининг сўзларига қараганда, бундай виза беш йил муддатга берилади.

Кўплаб чет элликларнинг АҚШ ҳудудида ноқонуний тарзда қолиб кетаётгани ҳам маъмурий органларни хавотирга солиб турибди. Миллий хавфсизлик вазирлиги (МХВ) вакили Билл Страссбергернинг таъкидлашича, бугунга қадар муҳожирларнинг тахминан 35-40 фоизи виза муддати тугаганига қарамай, мамлакатни тарк этмаган. Шу боис МХВ уларнинг кириши ва ўз вақтида чиқиб кетишини назоратга олишга қарор қилди.

Тажриба тариқасида, 11 халқаро аэропорт ва 2 бандаргоҳда махсус электрон мосламалар ўрнатилди. Улар АҚШдан чиқиб кетаётган йўловчиларнинг паспортидаги маълумотларни қайд этади, бармоқ излари ва фотосуратларини олиб қолади ва мамлакат ҳудудини тарк этганини тасдиқловчи ҳужжат беради.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# Яна нархи ошди

Вақтинчалик арзонлашишдан сўнг пайшанба куни Нью-Йорк товар биржасида нефть нархи бир баррель учун 44,4 долларни ташкил этиб, рекорд даражага етди. Лондондаги «брент» маркали нефть фьючерслари ҳам бир баррель учун 41,22 долларлик рекорд кўрсаткичга кўтарилди. Нархнавони таҳлил этувчи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, нефть баҳосининг бу галги кескин ўсиши «ЮКОС» компанияси ҳисоб рақамларини қайта очиш ҳақидаги қарор бекор қилиниши билан боғлиқ бўлиши мумкин.



**Сабо – голландияликларнинг ёғочдан ясаладиган миллий оёқ кийими.**

Турфа олам

## МАРСДА ҲАМ МУАММО БОР...

Кўзланган муддатдан анча кўпроқ ишлаётган Spirit ва Opportunity марсоҳрлари бир неча ойдан бери қатор техник муаммоларга дуч келаяпти. Масалан, Spirit марсоҳрдари уч спектрометр фаолияти учун масъул матрица кристалли қувват таъминотидаги узилишлар туфайли якшанба куни мутахассисларни анча қийнади. Иссиқлик нурланишининг мўъжаз спектрометрини улашга уринишлар чоғида бир неча бор хатоликлар ҳақидаги маълумотлар пайдо бўлди.



## 78 МИЛЛИОН ЙИЛДАН СЎНГ

Япониялик сайёҳ кунчиқар мамлакатнинг ғарбий соҳили яқинидаги Авазди оролида динозавр суякларини топиб олди. Маълум бўлишича, гап ўрдак бурунли динозаврлар деб аталувчи Гадрозаврлар оиласига мансуб динозавр – Ламбеозавр ҳақида бораяпти. Тахминан 78 миллион йил муқаддам яшаган бу ўтхўр динозаврларнинг узунлиги 10 метрга яқин, вазни 4 тонна атрофида бўлган.



## ҚОТИЛЛИККА САБАБ ЎЙИН

Буюк Британияда Manhunt («Қўлга олиш») компьютер ўйини матбуотда кенг ёритилган суд жараёнидан сўнг ўта харидоргир бўлиб қолди. Шу йилнинг февраль ойида Лестер шаҳридаги 14 ёшли ўсмир ўзининг 17 ёшли оғайниси томонидан шафқатсизларча ўлдирилганди. Судда айбланувчи Manhunt ўйини таъсирида ўзини билмай қолганини таъкидлаганди. Кенг жамоатчилик баҳслари тўлқинида компьютер ўйинлари савдоси билан банд сотувчилар мазкур ўйинга қизиқиш кескин ортиб бораётганини эътироф этмоқдалар.



Турфа олам

*(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).*

**Сеул шаҳридаги Қуанхамун галереясида Ўзбекистон ва Корея рассомларининг «Шарқ машъали» кўргазмаси очилди.**

## «Шарқ машъали» – Сеулда

У Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Корея Республикаси Халқаро рассомлар ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

У Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида 27 июлдан 3 августгача ўтган ўзбек-корейс мусаввирлари кўргазмасининг ўзига хос давомидир. Кўргазмада иккала мамлакатнинг етук рассомлари ижод намуналарига кенг ўрин берилган. Корейс тасвирий санъат ихлосмандлари Баҳодир Жалолов, Марат Содиқов, Жаҳон Изентаев, Владимир Ким сингари юртимиз рассомлари мустақиллик йилларида яратган асарларни айниқса катта қизиқиш билан томоша қилмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Ўзбекистонлик болалар яна ғолиб

**Токиода болаларнинг атроф-муҳит мавзуидаги расмлари V халқаро танлови якунланди. Унда ҳакамлар ҳукмига жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатидан юборилган қарийб 13 мингта асар ҳавола этилди.**

Таъкидлаш лозимки, ўзбекистонлик ёш рассомлар 2003 йил танловида юқори натижаларга эришган эдилар. Бу гал ҳам вакилларимиз ўзларининг юксак истеъдодларини муносиб тарзда намойиш этдилар.

12 ёшли Шаҳриёр Абдуллаев "Сумалак" деб номланган асари билан биринчи мукофотни қўлга киритди. Ёш мўйқалам устаси 14 ёшли Хуршид Иброҳимовнинг "Улоқ" номли иши эса махсус мукофотга лойиқ деб топилди. Яна бир юртдошимиз 13 ёшли Лена Иванова "Табиат ва оила" расми учун Фахрий ёрлиқ эгаси бўлди.

— Мен ҳар бир расмда мамлакатингизнинг гўзал табиати ва рангбаранглигини кўрдим, — дейди ҳакамлар ҳайъати раиси, Токио миллий нафис санъат ва мусиқа университети профессори, таниқли рассом К.Китани. – Аҳамиятли томони шундаки, биз дунё болалари, айниқса, ўзбекистонлик ўқувчилар чизган расмларда табиат ва инсон ҳаётининг уйғунлиги яққол акс эттирилганига гувоҳ бўлдик.

Токио шаҳри марказида жойлашган Кейданран биносида танлов ғолибларининг ижодий ишларидан тузилган махсус кўргазма санъат ихлосмандлари учун намойиш этилди.

**Беруний ОЛИМОВ,**
**«Жаҳон» АА.**

### • Буни ҳаёт дейдилар

**Одамзотга ақл ва тафаккур берилган. Буларсиз унинг махлуқдан фарқи бўлмас, аммо ақлни ноўрин ишлатиб, нафсига тобе бўлиш ёмонликнинг ёмонидир.**

## ТАЗАРРУ



Камдан-кам фарзандлар ота-она олдидаги бурчларини тўлиқ адо этадилар. Адо этиб улгуролмаганлари яхшиликни болаларига кўрсатади.

Мирсалим ота тўрт ўғлидан тарикча рўшнолик кўрмади. Барини уйли-жойли қилиб, иморатини тиклаб берди ҳамки, ҳали-ҳануз миннатдан боши чиқмайди.

– Катта ўғлингиз билан кичигини нега ажратасиз? Нима буниси ўгайми? – Ҳали кенжасининг остонасини ҳатламасидан бобиллади келини Саломат.

– Тинчликми, болам?

– Ҳа, овсинчам «отам бизга бир қоп ёнғоқ берди», деб мақтаняпти. Бизга эса, бир кило бериб юборибсиз. Нима, Аҳмад ердан чиққанми?

– Уят бўлади, болам. Бердисини айтмасимдан уриб ўлдирманг, жон болам. Сизларга аталгани ҳам турибди. Мен кўтариб келолмасам...

Саломат Мирсалим отадан узр сўраш у ёқда турсин, уни ичкарига таклиф ҳам қилмай нари кетди. Қариянинг дили оғриди. Нимага келгани ҳам эсидан чиқиб, ортига қайтиб, секин чақирди:

– Келин, болтани ўтган сафар ташлаб кетибман, обчиқиб беринг.

– Қанақа болтангиз?! Битта болта қолса қолибди, бизникида!

Ота нодон келинга гап уқдириб бўлмаслигини англаб, эшикдан чиқди. «Худойим қайси қилмишларим учун жазолаяпти мени? Тўрт келинимни қўя турай, ўғилларимдан ҳам тарикча ҳурмат-иззат кўрмасам?». Томоғига тиқилган хўрсиниқни аранг ютиб, иккинчи ўғлиникига ўтди. Ўғли Мирсултон ишга кетибди. Товуқларга дон бераётган келини Хуршида ҳам қайнотасига рўйхушлик бермай қаради.

Сўрашгандек, бош ирғаб қўйди, холос.

– Болам, тинч ўтирибсизларми? Болтага келувдим, озгина ўтин бор эди...

Ота гапини тугатмай, Хуршида сапчиди:

– Ўғлингизга болта бериб қўювдингизми? Кетмону жодингиздан бошқа болалариз фойдаланиб ётибди-ку, ўшалардан сўранг болтаниям!

Мирсалим ота мум тишлаб қолди. Буларга гапириб фойда топмаслигини билиб, жимгина орқасига қайтди. Раҳматли хотини Ҳурниса мана шуларнинг тил заҳридан бошини олиб, дорилбақога кетди. Шумшайиб бир ўзи қолганига сира чидолмайди.

Кўча-кўйда тенгқурлари «қарилик гаштини суриб юрибсанми, сенга жуда ҳавасимиз келади-да» дейишса, Мирсалим отанинг ич-ичидан хўрлиги келади. Рост-да, қўл-оёғи ёрилиб, бир қултум иссиққа зор бўлиб турса, бунинг нимаси гашт. Бутун умр далада тер тўкди. Болаларини оёққа турғазиш учун ўзини аямадику...

Мирсалим ота ўйлаб ўйининг охирига етолмасди. Аммо, қайтар дунё деганларича бор. Бир вақтлар отаси Миртўра полвонни ўзи қийнамаганмиди? Онаси Гулбуви унинг ҳасратида адойи-тамом бўлмаганмиди?! Ўзиям отасидан ҳар нарса таъма қилавериб, сўнгги анжомигача шаҳарга обориб сотиб юбормаганмиди? Ҳа, ана энди ўзим ёлғиз эдим, боларим кўп, дея кўкрак кергани ға ботинан азоб чекиб ётибди. Экканингни ўрасан, деб бежиз айтишмаган. Нафақасигача невараларига қўш-қўллаб берса-ю, икки оғиз ширин сўз эшитмаса, одамга алам қиларкан. Лекин ўтган кунларни ортига қайтариб бўлмайди-да...

...Мирсалим Миртўра полвонни куйдира-куйдира йигирма беш ёшида уйланганди. Хотини ювош, оқ кўнгил бўлса-да, ўзи бир қиморга, бир ичкиликка андармон бўлиб, ота-онасини куйдириб ўтди. Мана, оқибати... Бировга дардингни тўкканинг билан кўнгил малҳам топармиди?! Мирсалим меҳрибонларидан айрилгач, оила, рўзғор юки ўнғаймаслигини сезиб, надомат чекди. Тўрттала ўғлиям, келинлариям нобоп чиқди. Хотинининг қазосидан кейин шуларга ялинчоқ бўлиб қолди.

Сўнгги пушаймондан фойда йўқлигини яхши билса-да, Мирсалим отанинг афсус чекмоқдан бошқа иложи йўқ. Фақат, «ўғилларимга ҳам фарзандларидан қайтмасин-да», – дейди у хўрсиниб.

**Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.**

### • Bolalik bog`i

## Kaklik ovi



*Karim ikkov toqqa chiqdik,*
*Qafasda bir kaklik bilan.*
*So'qmoq yo'ldan uzoq yurdik,*
*Atrof ko'm-ko'k o't-o'lan,*

*Tepalikka to'rin yoyib,*
*Karim ketdi uzoqroqqa.*
*Qafasdagi kaklik sayrar*
*Zor-zor boqib toshloq yoqqa.*

*To'rtta kaklik uchib kelib*
*To'r ichiga tushib qoldi.*
*Qanotlarin pirillatib,*
*Jonivorlar ancha toldi.*

*Tuzoq to'rin ko'targandim,*
*Ko'kka qushlar parvoz etdi.*
*Qanotlarin bir-bir qoqib*
*Mendan xursand bo'lib ketdi.*

**Asom ZIYOMAT.**

### • Қилмиш-қидирмиш

## Гиёҳвандлик – иллат

Гиёҳвандлик моддаларини сақлаш, сотиш ва таркибида наркотик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш жиноят эканлигини билсалар-да, айрим фуқаролар мўмай даромад илинжида бу оғу билан ўйнашмоқда. Бекобод шаҳрида яшовчи Қ. Умар 13-даҳа ҳудудида жойлашган «Санжар» қаҳвахонаси олдида «Қорадори-2004» тадбири жараёнида текширилганида ёнидан ўткир ҳидли оқиш-кўкимтир модда топиб олинди. У экспертизадан ўтказилганда 984 грамм кучли таъсир этувчи героин эканлиги аниқланди.

Шунингдек, Чиноз тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирлар натижасида Яллама қишлоғилик К. Шуҳратнинг томорқасидаги 10 квадрат метр майдонда 150 туп, шу ерлик К. Мўминнинг томорқасида эса, 120 туп кўкнори парваришланаётганлиги аниқланиб, йўқ қилинди.

Қибрай тумани ички ишлар бўлими ходимлари эса, Қибрай қўрғонида яшовчи пенсионер Т. Хваннинг 10 туп, К. Люданинг 15 туп кўкнори ўстираётганини аниқлашди ва йўқ қилишди.

Ҳозирда ушбу ҳолатлар бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

## Безоридан ҳамма безор

Олмалиқлик Владимир Ярцов 54 ёшни қаршиласа-да, ҳамон ўзини ёшлардек тутар экан. У роса спиртли ичимлик ичиб, атрофдагиларни менсимасдан қасддан тинчини бузиб, «Олмалиқгаз» корхонасининг нозири А. Моҳирани хизмат вазифасини бажараётган вақтида қўрқитиб, уриб, натижада тан жароҳати етказади. Ҳозирда ушбу жиноят иши юзасидан тергов ишлари бормоқда.

## Нияти бузуқ «меҳмон»

Бўка шаҳрида яшовчи ҳеч қаерда ишламайдиган Х. Маматқул эски таниши бекободлик тадбиркор С. Гулнозанинг уйига меҳмонга боради. У уйга эркин йўл билан кириб, тадбиркор аёлга тегишли бўлган умумий нархи тахминан 5 миллион сўм бўлган пул ва тилла тақинчоқларини ўғирлаб кетади.

Олиб борилган тадбирлар натижасида гумонланувчи Х. Маматқул ушланди. Ҳозирда унинг мақсадлари тергов жараёнида аниқланмоқда.

Ангренлик тадбиркор С. Фахриддин тунда 5/4 даҳадаги уйига келса, эшик бузилиб, ичкарида кимдир юрганлиги ҳақида ариза билан шаҳар ички ишлар бўлимига мурожаат қилар экан, уни кўргач уйдаги номаълум «меҳмон» қочиб кетганлигини маълум қилади. Кейинчалик номаълум шахснинг ўғирлик мақсадида кирганлиги ва уй эгалари келиб қолгач, қочишга урингани аниқланди. Олиб борилган тадбирлар натижасида гумонланувчи Ш. Карим ушланиб, ундан ашёвий далиллар олинди.

Ушбу кимса қилмишига яраша терговда жавоб бермоқда.

**Шерали АНВАРОВ,**
**вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази катта инспектори, милиция катта лейтенанти.**

**ООО ПКФ «GAMMA-ELEKTRO» Мирабадского района г. Ташкента, код ОКПО 17488589 ПРЕОБРАЗУЕТСЯ в ЧПКП «GAMMA-ELEKTRO», правоприемником является ЧПКП «GAMMA-ELEKTRO».**
**Справки по телефону: 133-12-84, 136-01-54.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-949. Адади 5863. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. *Саҳифаловчи: Умид АБДУШОҲИДОВ.*
*"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.*
Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5